





Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ичида қилинган дуо ташида қилинган дуонинг етмиштасига тенг келади”**, дедилар. Бунинг санади саҳиҳдир.

Ибн Ҳиббон ўзининг “Саҳиҳ”ида марфуъ ҳолда ривоят қилади:

**“Дуонинг яхшиси махфий сидир”.**

Яна шунингдек “Омин”ни айтиш тааввузни айтишдан устун турмайди. Чунки тааввузни айтишга Аллоҳ таолонинг Ўзи буюрган:

**مِ يَحْرُلَانِ اطِيَّشَلَانِم ۛ لَلَاب ۛ دَعْتَسَافَن اَرُقُولَا تَارُق اَذِاف**

**“Қачон Қуръон ўқисанг, шайтонир рожиймдан Аллоҳнинг паноҳини сўра”**. Наҳл-98.

Шундай бўлсада Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тааввузни жаҳрий қилганлари собит бўлмаган. Демак “Омин”ни жаҳрий айтмаслик ундан кўра маъқулроқ бўлади. Чунки “Омин” лафзи Қуръони каримда йўқ. Уни Фотиҳа билан ундан кейинги сура орасида жаҳрий қилиб айтиш қиёсга хилофдир. Зотан бунда “Омин”ни Қуръондан деб тушуниб қолиш эҳтимоли бор. Қиёсга мувофиқ бўлгани учун ҳам биз “Омин”ни махфий айтиш борасидаги ҳадисни жаҳрий айтиш ҳадисидан кучлироқ ҳисоблаймиз. Саҳобалар ва тобеъинларнинг аксарлари “Омин”ни махфий айтишарди. Табарий айтади: “Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан, Наҳайй, Шофеъий, Иброҳим Таймий роҳматуллоҳ алайҳимлардан ривоят қилинганишича, улар “Омин”ни махфий айтишар эди”.

Мулоҳаза:

“Омин”ни жаҳрий ва махфий айтиш борасидаги ҳадислар саҳиҳдир. Унинг иккисига ҳам уламоларнинг жамоалари амал қилишган. Лекин саҳобалар ва тобеъин розияллоҳу анҳумларнинг аксари уни махфий айтишган. Бизнинг махфий айтишни устун қўйишимизнинг сабабларидан яна бири шудир.

ۛ نُب ۛ يَلَع اَن رَّبَّحْ اُ دَا دَعَبِب ۛ لَدَعْل اَن اَرْشِب ۛ نُب ۛ لَل اَدَبَع ۛ نُب ۛ دَمَّحُم ۛ نُب ۛ يَلَع اَن رَّبَّحْ اُ مِ يَه اَرْب اُ نُب ۛ قَا حَس اِن تَدَح ح ل اَص ۛ نُب ۛ نَا م تَع ۛ نُب ۛ يَ ح ي ا ن تَدَح ۛ رِ ص م ل ا د مَّح م ل ا ق ۛ ي د ي ب ز ل ا ن ع م ل ا س ۛ نُب ۛ ل ل ا د ب ع ا ن تَدَح ت ر ا ح ل ا ۛ نُب ۛ و ر م ع ي ر ب ح ا ۛ ي د ي ب ز ل ا ي ل ص ۛ ل ل ا ل و س ر ر ا ك : ل ا ق ۛ ر ي ر ه ا ب ا ۛ ن ا د ي ع س و ۛ م ل س ي ب ا ۛ ن ع ۛ ي ر ه ز ل ا ي ر ب ح ا ۛ ن ي م ا : ل ا ق ۛ ه ۛ و ص ۛ ع ۛ ر ۛ ن ا ر ق ۛ ل ۛ م ا ۛ ا ر ق ۛ ن م ۛ ع ۛ ر ف ۛ ا ذ ا - م ل س و ۛ ه ي ل ع ۛ ل ل ا











## **Хулоса:**

“Омин”ни махфий айтиш юқорида ўтган тафсилотларга кўра ҳукмнинг аслидир. Бунинг хилофига далил келмагунча уни тарк қилинмайди. Жаҳрий қилиш тўғрисидаги барча ривоятлар умумни эмас, балки феълларнинг ҳикояси ҳисобланади. Турли эҳтимоллари мавжуд бўлган далиллар “Омин”ни махфий айтиш далилига қарши ҳужжат бўла олмайди. Шу билан бирга у далилларнинг аксарида кўриб ўтганимиздек жарҳ бор. Улардан саҳиҳлари очиқ-ойдин эмас, очиқ-ойдинлари эса саҳиҳ эмас. Саҳобалардан ворид бўлган асарлар ихтилоfli бўлиб, шунга кўра бизнинг наздимизда далилнинг кучлироғи асл борасидаги далиллар ҳисобланади. Асл эса юқорида айтганимиздек “Омин”ни махфий айтишдир. Валлоҳу таоло Аълам!